



1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 24-sentabr, shanba,
111 (23.678)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Вақт сўзловчи
учун ҳамisha
камлик қилади,
эшитувчи
учун доимо
кўп утгандек
туюлаверади

Масъуллар Кенгашга ҳисобот берди

23 сентябрь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг етмиш иккинчи сессияси ўтказилди. Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳоқими Э.Турдимов бошқарди.

Дастлаб вилоят прокурори Ж.Хатамовнинг давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ижроси юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Қарорга кўра барча ҳудудларда бўлган сингари Самарқандда ҳам вилоят прокурори раҳбарлигида ташкил этилган ҳудудий штабга дастурлар асосида ажратилган маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, талон-тарож қилиш ҳолатларининг олдини олиш вазифаси юклатилган.

– Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастур доирасида вилоятда 189 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши ва уларнинг 172 таси жорий йилда якунланиши белгиланган, – деди Ж.Хатамов. – Ҳозирга қадар бюджетдан 802,5 миллиард сўм маблағ ёки ажратилган лимитнинг 76 фоизи молиялаштирилиб, 774 миллиард сўм ўзлаштирилди. 77 та объектда белгиланган ишлар якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Афсуски, дастур ижросини таъминлашда масъулларнинг етарлича жонбозлик кўрсатмаганлиги ҳамда ўзибўларчилик кайфиятида иш юритаётганлиги сабабли 2 та объектнинг экспертиза хулосалари олинмаган ва 4 тасининг пудратчиси аниқланмаган. 3 та мактабга таълим ташкилоти, 6 та мактаб, 2 та олий таълим муассасаси қурилиши ўқув йили бошлангунга қадар тамомланмасдан қолган.

Ҳудудлардаги вазият ҳамда дастурлар ижроси масъул ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб, вазифасини лозим даражада бажармаган ва қонун бузилишига йўл қўйган 42 нафар масъул интизомий, 197 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 17 та жиноят иши қўзғатилган ва жиноят оқибатида етказилган 3 миллиард 878 миллион сўмлик зарар ундирилган.

Шундан сўнг **Паст Дарфом туман ҳоқими ва сектор раҳбарларининг** туманда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди. Сектор раҳбарларининг ушбу масала юзасидан сессияга етарлича тайёрланиб келмагани ва депутатлар саволларига жавоб беролмагани сабабли ҳисоботи қабул қилинмади ҳамда масалани дастлаб туман Кенгашда муҳокама этиб, сўнгра вилоят Кенгаш сессиясида қайта кўриб чиқишга қарор қилинди.

Кун тартибига мувофиқ, **вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Ашуров** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги “2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва раван йўл” умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Қайд этилишича, қарор асосида жорий йилда вилоятда 20 та ақлли бекат қуриш белгиланган бўлиб, шу пайтгача 30 та янги, замонавий қўринишдаги лэд экранли бекат қурилди. Яна 28 та шундай бекатда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 81 та автобус оралиқ бекатларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланиб, шу пайтгача 66 тасида ишлар якунланган.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳар Чўпон ота ҳудудида 6 гектар ер майдонида замонавий автовокзал қурилмоқда. Аҳолининг жамоат транспортига бўлган талабини қондириш мақсадида жорий йилда бешта янги йўналиш ташкил қилинди. Аҳолига хизмат кўрсатувчи 519 та автотранспорт воситасига навигация қурилмалари ўрнатилмоқда.

Самарқанд шаҳар жамоат транспорти йўналишларидаги мавжуд 288 та автобусга “Автоматлаштирилган транспорт тўлов тизими оператори” МЧЖ билан ҳам-

корликда янги валидаторлар ўрнатилди. Бугунги кунда шаҳар автобус йўналишларидаги транспорт воситаларида ушбу тизимдан фойдаланилмоқда. Ҳозирда АТТО электрон тўлов карталарини сотиш учун “Шодиёна” савдо мажмуаси олдига ҳамда Рудакий ва Даҳбед кўчалари чорраҳасида савдо нуқтаси ташкил этилди. Яна 16 жойда шундай савдо шохобчалари очиб чоралари кўрилмоқда.

– Сарф-ҳаражатларни қопламаганлиги учун Самарқанд шаҳрида 60 та йўловчи ташиш йўналишларидан 21 таси тадбиркорлик субъектлари томонидан тўхтатилган, – деди А.Ашуров. – Вилоят миқёсида эса 201 та автобус йўналишидан 67 таси юқоридаги сабаб билан фаолиятини тўхтатган.

Бошқарма бошлиғи вилоятда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қатор таклифларини билдирди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида жамоат транспортининг жозибадорлигини ошириш, йўловчиларнинг манзилга ўз вақтида етиб олишларини таъминлаш мақсадида алоҳида автобус йўлакларини ташкил қилиш, Самарқанд шаҳрига келувчи транспорт воситалари ва йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида шаҳарга кириш нуқталарида учта автотураргоҳ қуриш, жамоат транспорти учун субсидия ажратиш ва бошқа таклифлар билдирилди. Шунингдек, нақд пулсиз, электрон тизим орқали ҳисоб китоб-тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар автобус йўналишларида бир йўловчи учун ҳақни электрон тизим орқали 1400 сўм, нақд пулда 2000 сўм этиб белгилаш таклиф қилинди.

Ушбу таклифлар юзасидан депутатлар ўз муносабатини билдириб, тегишли қарор қабул қилинди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиёзов Ўзбекистон Республикаси Президентини раислигида 2022 йил 5 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиш баёни ижроси юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ҳисоботда қайд этилишича, республика тез тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиалини ташкил этиш ва уни жойлаштириш учун Самарқанд шаҳар Хўжа Аҳрор Вали кўчаси 21-ўй манзилида жойлашган Сузангарон тиббиёт коллежи биноси танланган. Самарқанд шаҳар Буюк ипак йўли кўчасида жойлашган тез тиббий ёрдам станциясида Call маркази фаолиятини йўлга қўйиш, уни жиҳозлаш учун маҳаллий бюджетдан 2,4 миллиард сўм маблағ ажратилиб, зарур ускуналар олинди. Бирламчи тиббиёт муассасаларида тез тиббий ёрдам хизматини йўлга қўйиш мақсадида вилоятда 16 та кўп тармоқли марказий ва 12 та оилавий поликлиникаларда туну кун фаолият кўрсатувчи тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди.

Сессияда **вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ш.Султоновнинг** вилоятда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботи ҳам атрофлича муҳокама этилиб, таълим сифати ва самардорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Бундан ташқари, сессия давомида вилоят маҳаллий бюджетда 2022 йилда мақбуллаштирилган маблағларни мақсадли тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан Ургант туманида туризм ҳудудларини ривожлантириш бўйича мастер-режалари ишлаб чиқилган ҳудудларни тасдиқлаш тўғрисидаги, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 августдаги “Маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан вилоятнинг шаҳар ва туманларида маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасидаги инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва модернизация қилиш бўйича бош лойиҳа ва пудрат ташкилотларини тасдиқлаш тўғрисидаги, вилоят ҳокимлигининг янгиланган ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

Барча ҳудудларда шошилич тиббий ёрдам қамровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштирамиз. Мақсадимиз – халқимиз соғлом ҳаёт кечириши ва ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга эришиш.



ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМГА 30 ТА РЕАНИМОБИЛ ТОПШИРИЛДИ

2016 йилда вилоятимизда фаолият юритаётган тез тиббий ёрдам тизими бор-йўғи 2 та реанимобил хизматидан фойдаланган бўлса, соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида бугунга келиб, 62 та шундай автотранспорт аҳолига тез тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Вилоятимизда фаолият юритаётган тез тиббий ёрдам станцияларига яна 30 та “Ford” русумидаги энг замонавий реанимобиллар топширилди.

Реанимобилларни топшириш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршид Очиллов ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Давронбек Жуманиёзов кейинги йилларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида тез тиббий ёрдам хизма-

тига ажратилаётган маблағлар бир неча баробарга оширилгани ва тез ёрдам бригадалари дислокацияси қайта кўриб чиқилиб, қишлоқ оилавий поликлиникаларида янги тез тиббий ёрдам таянч пунктлари ташкил этилганлигини таъкидлади. Бунинг натижасида тез ёрдам бригадаларининг хизмат кўрсатиш радиуси 15-20 километрдан 8-12 километргача қисқарди.

Энг муҳими, тизимда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг моддий манфаатдорлиги ошириб, уларнинг олис ҳудудларда фаолият олиб боришлари учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.

Эҳтиёжманд оилаларга янги уй

Самарқанд туманида эҳтиёжманд оилалар учун 264 хонадонли 11 та кўп қаватли уй бунёд этилиб, кўркам тураржой мажмуаси барпо қилиняпти. Қуриб битказилаётган уйлар босқичма-босқич ўз эгаларига топширилмоқда.

Биринчи босқичда шу пайтга қадар Самарқанд шаҳридаги Расадхона маҳалласида оғир шароитда кун кечираётган лўли миллатига мансуб оилалар 144 хонадондан иборат 6 та кўп қаватли уйга кўчиб кирди.



– Бугунги қувончимиз ва ҳаяжонимизнинг чегараси йўқ, – дейди янги уй эгаларидан бири Нажмиддин Ҳотамов. – Оилада 12 кишимиз. Кекса ота-онам, укам ва фарзандларим билан

ҳужжатсиз, хавфли ҳолатдаги эски, кўримсиз уйда яшаб келаётган эдик. Барча шароитларга эга бундай уйларда яшаймиз, деб сира ўйламагандик. Ҳар бир хўжалик алоҳида 2-3 хонали квартира берилляпти. Давлатимиздан миннатдорим!

– 65 ёшдаман, турмуш ўртоғим билан 10 фарзандни катта қилдик, – дейди Саноат Давронова. – Вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов биз аввал яшаган хароба уйлари-мизни кўриб келган эдик. Мана, қисқа вақт ичида чиройли шаҳарча бунёд этилиб, биз каби оилаларга топшириляпти. Бугун 2 хонадонли уй калитини қўлимизга олдик.


Уйларни ўз эгаларига топшириш маросимида вилоят ҳоқими Э.Турдимов иштирок этди.

Янги хонадонлар эгалари учун дастурхон ёзилиб, таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури ташкил этилди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,
Ҳусан ЭЛТОЕВ (сурат).**

22 сентябрь куни Самарқанд шаҳридаги эшак эшиш каналининг очиқ сув ҳавзасида сузиш бўйича катталар ўртасида X Осиё чемпионати-га старт берилди.

X Осиё чемпионатининг илк ғолиблари аниқланди



Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган чемпионатнинг очилиш маросимида Осиё ва мамлакатимиз сузиш федерациялари раҳбарлари, спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги масъуллари иштирок этди.

Осиё сузиш федерацияси (AASF) бош котиби Таха Ал-Кишири мазкур нўфузли мусобақанинг Ўзбекистонда, Самарқандда ўтказилиши бежиз эмаслигини ва спортчиларимизнинг кейинги пайтда халқаро турнирлардаги муваффақиятлари иштирокини таъкидлаб, чемпионатга юксак савияда тайёргарлик кўрилгани учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди ва спортчиларга омад тилади.

– Бундан икки йил олдин Ўзбекистонга келганимда Самарқандда ҳам бўлганман, – дейди Таха Ал-Кишири. – Ушундан бу мусобақани Самарқандда ўтказиш бўйича ташкилотчилар билан келишиб олгандик. Самарқандда амалга оширилган қурилиш бунёдкорлик ишларидан кўриниб турибдики, бу ерда нафақат Осиё, балки жаҳон чемпионатини ўтказса бўлади. Мен ушбу очик сув ҳавзасида маҳаллий чемпионатлар билан бирга, халқаро турнирларни ўтказишни қўл-

лаб-қувватлайман ва бунинг учун ёрдам бераман.

Шундан сўнг, 14 давлатдан келган 45 нафар иштирокчи қитъа чемпионлиги учун баҳсга киришди. Икки кун давом этадиган чемпионатнинг биринчи кунинда спортчилар 5 километр масофани босиб ўтди.

Мазкур баҳс якунига кўра, эркеклар ўртасида биринчи бўлиб марра чизигини япониялик спортчи Таишин Минамиде 58:04.1 вақт оралиғида кесиб ўтди. Ундан 38 сония ортада қолган ҳамюрти Таики Нонака иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Хитой тайпейи вакили Ченг-Чи Чо 58:42.2 натижа билан учинчи ўринни банд этди. Аёллар ўртасидаги баҳсда ҳам япониялик спортчи Юкими Морияма 5 километр масофани 1:01:08.2 вақт оралиғида сузиб ўтиб, ғолиблигини қўлга киритди. Ундан 1 дақиқа-ю 52 сония ортада қолган гонгконглик спортчи Цз Йин Нип иккинчи, 1:03:12.4 натижа қайд этган қозғоғистонлик спортчи Мария Федетова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Чемпионатнинг иккинчи кунги – 10 километрга сузиш баҳслари бугун, 24 сентябрь куни ўтказилди.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.



ОБ-ҲАВО КЕЙИНГИ ҲАФТА ЎРТАСИДА ҲАРОРАТ ПАСАЯДИ

24-27 сентябрь кунлари ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёгингарчилик кутулмайди. Шамолнинг тезлиги 7-12 метр сонияга етди, 27 сентябрда 15-20 метр сониягача кучайиши мумкин. Баъзи туманларда чанг-тўзон кўтарилди.

24-26 сентябрда кундузи 30-35 даража, 27 сентябрда 22-27 даража иссиқ, кечаси 13-18 даража илиқ об-ҳаво кузатилади.

Самарқанд гидрометеорология бошқармаси.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ПАСТ ДАРФОМ

Бу ҳудуд ер майдони жиҳатидан вилоятимизда энг катта туманлардан ҳисобланади. Шу боис бу ерда аҳоли учун замонавий турмуш шароитлари яратиш, доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, инфратузилмани ривожлантириш туман раҳбарларидан алоҳида масъулият, ташаббускорлик ва, албатта, фидойилик талаб қилади.

Халқимизга хизмат қилиш, одамлар розилигига эришиш асосий мақсади бўлган мутасаддилар саъй-ҳаракатлари билан юртимизда ҳаракатлар стратегиясидан тараққийёт стратегияси сари амалга оширилаётган ишлар ҳам ва унинг аҳолиси ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) >>>



ЯНГИЛАНАЁТГАН ПАСТ ДАРҒОМ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).



ТУМАН МАРКАЗИ ЭМАС, ШАҲАР ДЕЙЛАДИ
Бугун исталган пастдарғомликдан туман маркази ҳақида сўраб кўринг, айти шу жавобни эшитасиз. Негаки, кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик-қурилиш ишлари сабаб одамларда шундай фикр шаклланди.
Биргина Янги Ўзбекистон майдонини олинг. Кейинги уч йилликнинг ҳосиласи бўлган бу майдон пастдарғомликларнинг энг севимли жойига айланиб улгурди десак, хато бўлмайди. Шу кунларда Паст Дарғом аҳли туман марказида барпо этилган муҳташам майдонда Муствақиллик байрами тантаналарини нишонламоқда.



ЯНГИ ҚОРХОНАЛАР, ЯНГИ ИШ ҲУЎНЛАРИ
2018 йилда Паст Дарғом туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан, sanoat, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги йўналишларида лойиҳа қиймати 319 миллиард 647 миллион сўмлик 97 та лойиҳа амалга оширилиб, 1128 та янги иш ўринлари яратилди.
Мисол учун, "Интегра ДД" МЧЖда дори-дармон маҳсулотлари, "Бест Голден оил" да пахта ёғи, "Нью-Теч Самарқанд" да асфальт қопламаси, "Сам Эко Рот" да қизилмия ўсимлигини қайта ишлаш, "Marokand kabel invest" да кабел ва лед лампалари ишлаб чиқариш, "Самарқанд сифат жўжалари" хусусий қорхонасида ва "Файз нур парранда" оилавий қорхоналарида паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда "UMNIAS" DOKTOR M SERVIS МЧЖда аҳолига tibbiy хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.
"Sam Eco Root" ҚК томонидан қизилмия экстракти ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун Хитойнинг "Liaoning Sindpord Titanium Co Ltd" компаниясидан қиймати 325 минг АКШ доллари миқдоридagi ускуна ва техникалар олиб келинди.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЎЗ ХУДУДИ БОР
Президентимизнинг 2018 йил 16 мартдаги "Самарқанд вилоятида кичик sanoat зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида туманда учта кичик sanoat зонаси ташкил этилди. Жумладан, Фуркат номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фойдаланилмай ётган тўрт гектар ерда олти та истиқболли лойиҳа жойлаштирилди. Иш бошлаган тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулайлик ва имкониятлар яратилган. Хусусан, "Бизнес-Реал" қорхонасида замонавий эшик ва мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ерда тайёрланаётган диван, кресло, стол-стул сингари уй-рўзгор жиҳозлари замонавийлиги билан хорижийликдан қолишмайди.
"Достон сайёра" хусусий қорхонасида еса газоблок ишлаб чиқарилаётди. Енгил, сувда чўкмайди-ган, фоваксимон, совуқ ва иссиқни ўтказмайдиган бу деворбоқ маҳсулот ҳар томонлама қулай ва самарали ҳисобланади. "Ёшлар – келажгимиз" жамғармаси томонидан олинган 120 миллион сўм имтиёзли кредит асосида иш бошлаган тадбиркор яқин келажда ўз маҳсулотларини Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга сотмоқчи.
Албатта, амалга оширилаётган ишохотлар, тадбиркорлик фаолиятининг кенг йўлга қўйилиши туман иқтисодийнинг барқарор тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Буларнинг ҳаммаси қишлоққа sanoatни олиб кириш, маҳсулотни экспорт қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган эзгу амалларнинг ижобатидир.



АГРАР ЭМАС, САНОАТ ТУМАНИ
Яқин йилларгача Паст Дарғом туманига фақат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ҳудуд сифатида қараларди. Табиийки, аҳолининг даромади ҳам айнан шу соҳадан эди. Аксарият ҳолларда sanoatнинг бошқа тармоқлари деярли учрамасди.
Бугунги кунда туман қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга иxtisosлашган, sanoati ривожланиб бораётган ҳудудга айланмоқда. Зотан, ҳозирда туманда 250 дан ортиқ sanoat қорхонаси фаолият кўрсатаяпти.
Туман экспорт салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида дунёнинг ўндан ортиқ давлатлари билан ташқи савдо фаолияти амалга оширилди. Утган йилнинг ўзига экспорт географияси 3 та давлатга кенгайтиди, 5 та янги қорхона экспорт фаолиятига жалб қилиниб, уларнинг сони 15 тага етди.
2021 йилда 5 миллион 235 минг доллар миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остида бўлмаган хорижий кредит маблағлари ўзлаштирилди.
Мисол учун, 1-сектор ҳудудида "PLASTER LIME - STONE" МЧЖда хитойлик инвесторларнинг 476 минг доллар маблағи ҳисобига текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга ошириляпти.
2-сектор ҳудудида "ESMAK AUTOMOTIVE" МЧЖ 378 минг долларлик Туркия давлати тадбиркорлари билан ҳамкорликда юк машинаси ва автобуслар учун ўриндиқлар тайёрлашни йўлга қўймоқда.
3-сектор ҳудудида "DIAGMED-1" МЧЖ томонидан замонавий клиника ташкил этиш лойиҳаси доирасида Хитойнинг 200 минг долларлик инвестицияси ўзлаштирилди.
4-сектор ҳудудида "Чайка Строй Сервис" МЧЖ томонидан 450 минг долларлик Хитой сармоясига асосида тайёр бетон ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этиляпти.
Бундан ташқари, ўтган йили sanoat, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш Дастури доирасида 272,1 миллиард сўмлик 68 та лойиҳа ўрнига 366,1 миллиард сўмлик 99 та лойиҳа амалга оширилиб, режадаги 447 та иш ўрни амалда 591 та тарзида ташкил қилинди.

БЕКОРЧИЛАР БЎЛМАЙДИ
Туманда маҳаллабай ишлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда

камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдამчилари 107 та маҳалладаги 66821 та хонадонга кириб чиқиб, қанча аҳоли яшайди, даромад манбаи нима, қандай тадбиркорлик қилиш имконияти борлиги бўйича хатлов ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра, маҳалларда 14228 нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқаролар аниқланди, йил охирига қадар ушбу фуқаролар бандлигини таъминлаш асосий вазифа қилиб олинди.
Утган январь-август ойларида ҳоким ёрдამчиларининг саъй-ҳаракатлари ва тавсияномалари асосида 2053 нафар фуқаро доимий даромад манбаи ёки иш ўринлари билан таъминланди. Хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун 1306 нафар фуқарога 42,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги қарори асосида 1044 гектар майдон 6060 нафар ишсиз фуқарога деҳқончилик қилиш учун ажратиб берилди.
Жорий йилнинг ўтган январь-август ойларида жами 2040 доимий ва мавсумий иш ўринлари яратиш белгиланган. Утган даврда жами 11578 аҳоли бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, туманда 4 та касбга ўқитиш мактаби, маҳалларда 19 та ўқув масканлари ташкил этилган. Мазкур муассасаларда жорий йилда 700 нафар фуқарони касб-хунарга ўқитиш белгиланган ва 8 ойда 535 кишига турли касб-хунар ўргатилган.
Йил якунигача 1500 нафар ишсиз фуқарони жамоат ишларига жалб этиш режалаштирилган бўлиб, биринчи ярим йилликда 1140 нафар ёки режага нисбатан 76 фоиз фуқаролар жамоат ишларига жалб этилди.
Ишсиз фуқароларга ўзини-ўзи банд қилиши учун бандлик жамғарма маблағлари ҳисобидан ўн тўрт хил йўналишда 3,6 миллиард сўм субсидия ажратилиши режалаштирилган.

ЎЗГАРИШНИ ОДАМЛАР СЕЗИШИ КЕРАК
Қишлоқ жойларда, аниқроғи, ҳовлида яшовчиларга бу сезилмаслиги мумкин. Аммо кўп қаватли уйда канализация ишламаса, ҳудудда болалар йўлнгоҳи ва бошқа қулайликлар бўлмаса қийин. Яқин йилларгача бу масалага деярли эътибор қаратилмаган. Энди-чи?
Авалло, айтиб ўтиш лозим, фақат 2021 йилнинг ўзида туманда 11 та кўп қаватли уй қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Бундан ташқари, 1991 йилга қурилган 65 та кўп қаватли уйнинг том қисми, 55 та уйнинг фасади, 3 та уйнинг ертўласи мукамал таъмирланиб, сув тармоқлари янгиланди. Биргина Балхиён маҳалласидаги кўп қаватли уйларни марказлашган сув оқова тизимига улаш учун 5 миллиард сўм сарфланди.
Ободонлаштириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 20 та кўп қаватли уй таъмирланди, 7 та болалар майдончаси ва 16 та қўшимча бинолар қуриб берилди.
Бу албатта, ўтган йилги рақамлар. Жорий йил режасига кўра, 300 та оила кўп қаватли уйларда ўз хонадонига эга бўлади. Йил якунигача 10 га яқин кўп қаватли уй мукамал ва жорий таъмирланади. Заруратга кўра, ирригация тармоқлари таъмирланиб, йўлақар соланади. Асосийси, Жума ва Чархин шаҳарчаларида 2 та оқова сувларини тозалаш иншооти ва 36,5 километр оқова тармоқлари қурилиши ҳам жорий йилги режаларимизга киритилган.

УЙИ БОРНИНГ ЎЙИ ЙЎҚ
Бу гап туман мутасаддидаги халқни рози қилиш фаолиятида шiorга айланган. Бунинг исботи йўлақар, юқорида кўп қаватли уй қуриш борасидаги рақамлар келтирилди.
Шу ўринда яна бир гап. Туманимиздаги Янги ҳаёт массивида ижтимоий аҳоли оғир, фарзандларини меҳрибонлик уйларига топширган, бошпанасиз аёлларга 44 та уй ҳашар йўли билан қурилган. Яқинда вилоятимиз бўйлаб "Янги Ўзбекистон - инсон қадри улуғланган юрт" шиори остида ўтказилаётган маданий-матридий тадбир иштирокчилари айтиш ҳудудда бўлишди. Тарғибот гуруҳи иштирокчилари учрашув доирасида хонадон соҳиблари билан дилдан сўбатлашиб, амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди.
Зотан, ушбу мўъжаз ховлилар ўз эгаларига топширилгач, 10 нафар чин етим, ижтимоий аҳоли оғирлиги сабаб фарзандларини меҳрибонлик уйларига топширган 20 нафар аёл ва уларнинг 43 нафар фарзанди ҳамда 14 нафар боқувчисини йўқотган аёл ва уларнинг 21 нафар фарзанди уйли бўлиб, жондан азиз фарзандларини ўз бағрига қайтариб олганди. Бу ховлиларда бугун 100 нафардан кўпроқ фуқаро бошпанасизликдан чеккан изтиробларини унутиб, бахтли ҳаёт кечирмоқда.
Жорий йилги режага кўра, уй-жойга муҳтож 480 нафар хотин-қизга имтиёзли шартлар асосида уй-жой ажратиш, шунингдек, аёлларга тураржойларни ижтимоий ижарага бериш режалаштирилган.

ҲАР МАСКАН ГУЛУ ГУЛЗОР БЎЛАДИ
Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев халққа қилган мурожаатларида, вилоятларга уюштирилган ташрифлари доирасида ҳар бир фуқаро хонадонини тоза-озода сақлаши, томорқасидан унумли фойдаланиши, бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш чораларини кўриши зарурлигини таъкидлайди.
Паст Дарғом туманида ҳам бу борада бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган йили Самарқанд - Жума - Каттакўрғон йўлида кан гули экилиб, гулзорлар ташкил қилинди. Муҳими, бу шунчаки ўзибўларчилик билан эмас, илмий асосланган ҳолда ва замонавий технология ёрдамида томчиллатиб суғориш усулида йўлга қўйилди.
Бу биринчидан, катта йўл ёқасида ўзига хос гўзаллик яратган бўлса, ундан илҳомланган фуқаролар маҳаллардан тортиб хонадонларига гўлзор яратишга интилим қилди.

ТУНЛАРИ ҲАМ ОЎДИН ГЎША
Утган йили Самарқанд шаҳридан Жума шаҳарчасига бўлган 26 километр автомобиль йўлига тунги ёриткичи устунлар ўрнатилиб, Беклар, Пахтакор, Гўзалкент ва Олти қаҳрамон маҳаллаларининг асосий кўчалари ёритилди. Шунингдек, Бўстон, Ҳовузак, Турон ва Галатут маҳаллаларидан ўтган ички йўлларнинг 3 километrigа ҳам ёриткичлар ўрнатилди.
Умуман, туманимизда 2 минг километр йўл ва кўча бор. Барча қишлоқларни кечаси ёруғ қиламиш десак, 10 минг 700 та тунги чироқ керак бўларкан. Мазкур ҳисоб-китоб асосида январь ойидан "Ҳар бир маҳаллага 100 та тунги чироқ" акциясини бошлаган эдик. Бунга ўша ҳудуддаги фуқаролар, саховатпеша ҳомийлар ҳам бош қўшимган. Айти пайтада акция доирасида ўнлаб қишлоқларимизга чироқлар ўрнатиб бўлинди.
Дарвоқе, 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвес-

тиция дастурига асосан "SXF METAL-PRODUCT" МЧЖда Хитой давлатидан 2,5 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, асфальт ва бетон ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бу орқали йўл қурилиши соҳасида ишлар кўлами ва сифати янги босқичга кўтарилади.
ТАЪМИРТАЛАБ КЎЧА Ё ЙЎЛ ҚОЛМАЙДИ ...
Туман раҳбарияти, умуман, барча мутасаддиларнинг асосий мақсади шундай, десак хато бўлмайди. Зотан, бу борада Паст Дарғомда ўзига хос тажриба тўпланди.
Мисол учун, тумандаги "Bunyodkor Obod Pastdarg'om" ДУК ишчилари Паст Дарғом ва Нуробод туманларида кўча ва йўлларни цемент-бетон билан қоплашга масъул саналади. Одийроқ айтганда, тумандаги қорхона вилоятдаги шу йўналишда фаолият олиб борувчи субъектлар орасида етакчилардан саналади.
Аслида қурилиш-таъмирлаш, хусусан, йўл қурилиши борасида олиб борилаётган ишлар одамларда катта иштиёқ, қайсики, ҳавас ҳиссини уйғотаётгани бор гап. Чунки бир маҳаллада бошланган иш бошқа бир маскан одамларини "оёққа тургазаяпти". Улар "Бизнинг кўчани қачон таъмирлайсизлар, қачон асфальт ётқизилади?", деган мазмунда уста-уст мурожаат йўллайпти. Албатта, босқичма-босқич барча маҳаллада янги бино, замонавий инфратузилма ташкил қилиш чоралари кўрилади. Бунинг учун эса табиийки, вақт талаб этилади.

ҲАР МАҲАЛЛАДА СУВ ҚУДУҒИ БЎЛАДИ
Аниқроқ айтганда бўлса, туманимиздаги 107 маҳаллада 298 та сув иншооти мавжуд бўлиб, шундан 47 маҳалладаги мавжуд сув иншоотлари яроқсиз ҳолга келиб қолган. 2023 йилгача мўлжалланган дастур асосида ичимлик суви таъминоти ва сув тармоқларини қуриш, таъмирлаш бўйича республика бюджети маблағлари ҳисобидан 47 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида 47 та янги сув иншооти қурилади, 23 таси реконструкция қилинади, 70 километрга яқин ичимлик суви тармоғи тортилади. Шунда 2023 йил якуни билан аҳолининг 94 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланади.
Бу муаммоларни ҳал этишда ўз имкониятларимизни ҳам ишга соламиш. Яъни, маҳаллий бюджет маблағлари эвазига ичимлик суви етишмовчилиги жиддий муаммо бўлган қишлоқларга янги сув иншоотлари қураимиз, борларини реконструкция қиламиз.
Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган ишларимиз бугун мамлакатимизда "Инсон қадри учун!" гоёси асосида амалга оширилаётган ишохотларнинг амалий ифодаси бўлишига интиляпмиз.

ИЖТМОИЙ СОҲА – АСОСИЙ МАСАЛА
Зуқко газетхон туманда таълимга, tibbiy хизматга эътибор қаратилмас экан-да, деган хулосага келмаслиги керак. Чунки бу борадаги ишларимиз яна бир катта мақола бўлгулик.
Бугун жажжи ўғил-қизларимиз учун мактаб-гача таълим ташкилотлари ташкил қилиш, мактаблар ёки tibbiy муассасаларини таъмирлаш ва янгиларини барпо қилиш борасида ҳам катта ишлар қилинапти. Мисол учун, ўтган йилнинг 9 ойи давомида туман маҳаллий бюджет-да салкам 10 миллиард сўм қўшимча манба шаклланди. Шунинг қарийб ярим миллиарди умумтаълим мактабларини жорий таъмирлаш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун сарфланган. Бундан ташқари, кам таъминланган сурункали касаллиги бўлган, айниқса, туғма юрак пороғи билан касалланган 10 нафар фуқарони даволаш ҳамда 60 донa ногиронлик аравачаси сотиб олиш учун 200 миллион сўмга қисим маблағ ажратилган.
Албатта, хали хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва яна бошқа масалалар ҳам бор.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА
Паст Дарғомда ҳам бугунги кун талаблари ва албатта, давлатимиз раҳбари қўяётган вазифалар асосида дастурлар, "Йўл хариталари" ишлаб чиқиб, ҳар бир маҳалла қамраб олинапти. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган ҳамда доимий даромадга эга бўлмаган оилалар билан ишлаш тизими яратилган.
"Йўл хариталари"да ҳар бир маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш (ички кўчаларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, табиий газ таъминоти ва суўтилтирилган газ баллонлари билан таъминлаш) ҳамда мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасаларини янгидан қуриш ва мавжудларини таъмирлаш белгиланган.
Бугун ҳар бир давлат хизматчиси, шу жумладан, туман раҳбарлари - сектор етакчиларининг вазифа ва мажбуриятлари аниқ белгилан қўйилган. "Маҳаллабай", "хонадонбай" юриб, одамларнинг ҳаётини, жойлардаги муаммоларни ўрганиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир маҳалланинг мавжуд имкониятлари ва "ўсиш нуқталари"ни аниқлашга эътибор қаратиш керак.

"САМАРҚАНДАГИ ҚАЙСИ ТУМАН (ШАҲАР)ДА 2021 ЙИЛДА ЭНГ КЎП ЎЗГАРИШЛАР БЎЛДИ?"
Утган йили <https://zarnews.uz> да шундай сўровнома ўтказилганида иштирокчилар энг кўп Паст Дарғом туманини белгиланган экан. Аниқроғи, сўровда қатнашганларнинг 38 фоизи ёки 12659 киши 2021 йилги энг кўп ўзгариш Паст Дарғом туманида бўлди, деган тўхтамга келган.
Туман ҳокимлиги ахборот хизмати. (т).



Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш бошқармаси томонидан ташкил этилган пресс-тур айна масала бўйича бўлди. Унда журналист ва блогерлар вилоятимизнинг табиий ландшафти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини соф сақлаган ҳолда сайёҳлар учун қулай ша- роитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан тани- шиш имкониятига эга бўлишди.

Биринчи манзил Ургутнинг Бешкон маҳалласидаги табиат мўъжизаси - Тешиктош маскани бўлди. Кенг адирлик, бир томонда кўкка бўй чўзган тоғлар тизми ястаниб ётибди. Айнан шу ерда она табиат маҳорат билан йўнган турли шакл ва ўлчамлардаги тошлар ерга бағрини бериб ётибди. Бугун бу жойлар тумanning экотуризм маркази, ўзига хос ташриф қоғози ҳисобланади. Доимо хоризлик ва маҳаллий сайёҳлар билан гавжум бўла- диган ушбу маскан бир неча йил олдин ташландик ҳолатда бўлганини тасаввур қилиш қийин.

– Бу ерларга кўп йиллар етарлича эъти бор берилмади, – дейди “Тешиктош” эко- туризм маскани раҳбари Марат Бурхонов. – Яқингача ён-атрофимиз М-39 магистрал йўлидан ўтиб-қайтувчи ҳайдовчилар томо-



нидан ташлаб кетиладиган чиқиндилар билан тўлиб-тошарди. Худуд туризм маскани учун ажратилган, вазият ўзгарди. Адирлик чиқиндилардан тозаланди, сайёҳларнинг табиат манзараларидан баҳраманд бўлиб, мароқли хордиқ қилиши учун зарур шаро- ит яратилди. Айна пайтда маскан ёнида 32 кишилик меҳмонхона қурапмиз.

М.Бурхоновнинг таъкидлашича, бунгача сув танқислиги сабабли худудда бирорта гиёҳ ўсмаган. Жорий йил масъул идоралар хўмаги билан адирликда 16 та қудуқ қазилиб, 16 километр сугориш тармоғи тортилган. Баланд худудларга сув чиқариш учун маъсум техникалар жой- лаштирилган. Ҳозир Тешиктош ҳамда унга туташ худудларда 36 турдаги дарахт ва бута кўчати экилиб, парваришланмоқда.

Тешиктошдаги ўзгаришларни кўриб, қанчалик қувонган бўлсақ, барча сай- ёҳларда хайрат ўйғотадиган нақшинкор тошларнинг абгор ҳолатини кўриб, шунча кайфиятимиз тушди. Гап шундаки, мас-

ЭКОТУРИЗМ:

САЙЁҲЛАР ТАБИАТНИ СОФ ҲОЛАТДА КЎРИШИ КЕРАК

яратилган қулайликлар, кўрсатилаётган хизматлар тури билан танишдик.

Тумanning Омонқўтон маҳалласидаги “Минг арча” экотуризм марказида ёши икки асрга тенг Қрим қарағайлари кўкка бўй чўзиб турибди. Масъулларнинг маълумотига кўра, ўрмон хўжалигининг умумий майдони 6 гектарни ташкил этиб, фақат 1,25 гектари экотуризм маркази учун ажратилган. Шундай бўлса-да, сайёҳлар ўрмонда ўзи билгандек юриши мумкин эмас. Махсус йўлақлар ва дам олиш жой- лари ташкил этилган.

Тадбир якунида Жомбой туманидаги “Зарафшон” миллий табиат боғида вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш бошқармаси бошлиғи Х.Оқбўтаев иштирокда матбуот анжумани ўтказилди. Бошқарма бошлиғи табиатни соф ҳолатда

ат боғи мисолида тушунтириб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси таркибида бўлган “Зарафшон” миллий табиат боғи Давлат экология қўмитаси тизимига ўтказилган. Айна вақтда умумий майдони 2426,2 гектар бўлган боғни Давлат экология қўмитасига топ- шириш ишлари кетмоқда. Шунга қара- май, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш бошқармаси томонидан ундаги табиий экологик муҳитни сақлаш, табиатга етказилган зарарни камайтириш бўйича тизимли ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, худудда дарахтларнинг қуриб қолиши билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш мутахассисларнинг асосий вазифасига айланган. Айна мақсадда боғдаги кўмилиб қолган чашмалар қайта очилиб, қўшимча



асраш, хусусан, айрим “ишбилармон”лар томонидан экологияга етказилаётган зар- рони бартараф этиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Саъй-ҳара- катлар самараси “Зарафшон” миллий таби-

суб чиқариш чоралари кўрилмоқда. Шу- нингдек, боғ худудига қурилиши бошлан- ган дам олиш марказларининг фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилапти.

Асқар БАРОТОВ.

Баъзи оилавий нодавлат боғчаларига субсидия берилмаслиги мумкин

Бугун оилавий нодавлат боғчаларига давлат бюджетидан ажратилаётган субсидия маб- лағларини мақсадли ишлатиш устидан назорат механизми яратилди.



Бу борада 2022 йил 2 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрда- мида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тасдиқланди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат-ху- сусий шериклик асосида фаолият юритаётган оилавий но- давлат мақтабгача таълим ташкилотларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ходимларнинг ишга келиб-кетиши ҳамда тарбияланувчиларнинг давоматидан келиб чиқиб, Мақтабгача таълим вазирлигининг нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларини бошқариш ахборот ти- зимида автоматик равишда ҳисоблаб чиқилиши белгиланди. Энди ходимларнинг ишга келиб-кетишини ҳисобга олиш ҳамда тарбияланувчиларнинг давоматини юритиш мобил илова ёрдамида шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали амалга оширилади.

Эътиборли жиҳати, ҳисобот ойда тарбияланувчиларнинг ўртача ойлик давомати нодавлат мақтабгача таълим ташки- лотларини бошқариш ахборот тизимида рўйхатга олинган тарбияланувчилар сонига нисбатан 40 фоиздан кам бўлган- да, ушбу ой учун ходимларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи тўланмайд.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, бугунги кунда тадбиркорлар кўйидаги вазифаларни амалга оширишлари керак. Бунда ахборот тизимига боғчаларнинг ҳисоб рақам- лари, барча ходимлари ва тарбияланувчилари тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим.

Агар ахборот тизимида боғчаларнинг айрим тарбияланув- чилари ўзининг ёки болаларнинг фотосурати ўрнига бошқа болалар ёки катта ёшдаги одамларнинг расмини қўйса, мазкур давлат-хусусий шериклик асосидаги мақтабгача таълим таш- килотида уч ой давомида субсидия тўловлари ҳисобланмайд ва тўланмайд. Бундай ҳолат иккинчи марта аниқланганда, ушбу давлат-хусусий шериклик асосидаги мақтабгача таълим ташкилоти билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бекор қилинади ва қайта тўзилмайд.

Маълумот учун: 2022 йил 1 сентябрь ҳолатига вилоятда 2561 та оилавий нодавлат боғчаси мавжуд бўлиб, уларда 73 мингдан зиёд боғча ёшидаги болалар таълим-тарбия олмақда. Бу кўрсаткич вилоятда умумий болалар сонининг 33 фоизини ташкил этади.

Бахтиёр МАМИРОВ,
вилоят мақтабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳридаги “ZAMON TRANS AVTO” шўъба корхонаси (СТИР: 205493074) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини “ZAMON TRANS AVTO” масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирди. “ZAMON TRANS AVTO” масъулияти чекланган жамияти “ZAMON TRANS AVTO” шўъба корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Тошкент кў- часи, 1-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Решетова Зинаида Василевнага (2016 йил 21 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғ- бек кўчаси, 80-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Турақулов Мардонкулга (2022 йил 14 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғ- бек кўчаси, 80-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасида марҳум Махмудов Умар Хусиновичга (2019 йил 12 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кў- часи, 60-ўй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Набиева Наргис Қаҳрамоновна нотариал идорасида марҳум Хазраткулов Абдурашид Умаровичга (2020 йил 30 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргис Қаҳрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳри Навоий шоҳқў- часи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Абдуллаева Роязгага (2021 йил 11 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Ашуров Шамсига (2019 йил 13 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Абдурахмонов Абдурахмонга (2013 йил 27 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Назаров Истам Ходжимамедовичга (2017 йил 25 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-ўй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Муратов Олимжан Нортажиевичга (2020 йил 15 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳар- часи, Истиклол кўчаси, 76-ўй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Болтаев Нуралига (2019 йил 13 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳар- часи Обод кўчаси, 35-ўй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Маннаев Мардонкулга (2020 йил 9 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисра- вонна нотариал идорасида марҳум Мирзоходжа- ев Аллохонга (2020 йил 7 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига муро- жаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-ўй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зия- дуллаевна нотариал идорасида марҳум Кубаев Рузимурот Бабоновичга (2020 йил 13 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳар- часи, Истиклол кўчаси, 110-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Джабборов Асли- дин Хужамуратовичга (2018 йил 11 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар- нинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғ- бек кўчаси, 80-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали ўқитувчи лавозимига танлов асосида ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

- жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти кафедрасига;
- спорт психологияси, ижтимоий-табиий фанлар кафедрасига.

Танловда иштирок этишни истаганлар кўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари: Филиал директори номига ариза, яшаш жойи кўрсатилган паспорт нусхаси, кадрларни қайд қилиш шахсий варақаси, олий маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси. Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхалари, малака ошириш ҳақидаги сертификатлар.

ЭСЛАТМА: Танловда иштирок этиш учун аризалар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Қўпон ота кўчаси, 13-“А” ўй.
Телефонлар: (66) 236-21-28, (93) 357-74-95.
e-mail: minsport_markaz_sf@mail.ru

Мухиддинович нотариал идорасида марҳум За- рипова Шарофатга (1997 йил 19 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очил- моқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.

Самарқанд давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейида 2013 йилда Иззатов Азизбек Мусакул ўғли номига берилган рўйхат рақами 315, L № 174264 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежидан 2020 йилда Салиева Нилуфар Нуруллаевна номига берилган рўйхат рақами 63, K № 5895082 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Маҳаббат Нормухамедовнага (2022 йил 28 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғ- бек кўчаси, 80-ўй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Ния- зова Мухаббат Нормухамедовнага (2022 йил 28 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-ўй.

Булунғур туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Сайдуллаев Сўхроб Са- лоҳиддин ўғли номига берилган UM № 0497060 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги ат-

тестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорати ва касба уюшма қўмитаси уни- верситет умумий хирургия кафедраси ассис- тент, тиббиёт фанлари номзоди, моҳир хирург

Тоир КАМОЛОВ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Ўзбек халқининг Гомери

Фозил шоир Йўлдош ўғли туғилган кунга 150 йил тўлди

Фозил шоир ҳақида кўп ва хуб ёзилган. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб китоблар чиқарилган, достонлари нашр этилган, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ёқланган. Лекин бу бой маданий мерос бугунги кунда ҳам ижтимоий муҳитимизга ўзгача кайфият бермокда. Ҳатто давраларда кимдир чиройли, равон шеър ўқиса, "Э, Фозил шоир бўлиб кет-э", деб мақташади.

Ана шу улўғ оқин 1872 йилда Булунғур туманидаги Лойқа қишлоғида (ҳозирда Соҳибқор фуқаролар йиғини) бахши шоир Тўхтамурод оиласида дунёга келган. Ўз боласидаги шиддат, чаққонликини кўрган ота-она унга Фозил деб исм қўйишган.

ҚИРҚТА ДОСТОННИ ЁД БИЛАН "САВОДСИЗ"

Бахшилик ва фаросат, ақл ва заковат Фозилга отасидан ўтганлиги аён. Лекин унда Худо берган истеъдод - кучли хотира ҳам бўлган. Минг афсуски, тақдир уни сийламади. Тўрт ёшга кирганида отасидан жудо бўлди. Тўхтамурод шоир вафотидан сўнг унинг турмуш ўртоғи, акалари қишлоқдан кетишди. Тақдир чорраҳасида ёлғиз қолган етти ёшли Фозил эса қишлоқ атрофидаги Искандар, Одилбой, Шодийёр, Дониёр исмли бойларнинг эшигида хизматкорлик қилди. Онаси ва акалари унинг сотиб кетишгач, қўшиларикида яшади, лекин ижара пули тўлаётган бўлиб, бойларнинг оғилхоналарида яшашга мажбур бўлди. Табиийки, қорни овқатга тўймасди.

Ана шундай мураккаб шароитларда ҳам халқимиз орасида меҳр ва олий-жаноблик фазилати ўлмаган. Боладаги иқтидор, интилиш, сабр-қаноатни кўрган Йўлдош бобо Маматқулов бу болакаини ўз қарамоғига олди. Қараса, ҳамма ишни бинийдек қилади, сал бўш қолса, достон айтади, отасини эслайди. Бу эса Йўлдош бобога маъқул тушди. Мавриди келганда, уни ўз қизига ўйлаб қўйди. Фозил шу ерда бахтини, ижодини топди. Чексиз миннатдорлик ва фарз сифатида ўз фамилиясини "Йўлдош ўғли" деб атаётган бўлди. Айтишларича, Фозил шоир кейинчалик суҳбатларда нимагадир ўтмишини кўп эсламаган. Эҳтимол юраги кўтармагандир, эҳтимол изтиробларини тақдорлашни истамагандир. Ундан болалиги ҳақида сўрашганда эса "У кунларни эслолмайман", дея лўнда қилиб жавоб берган.

Фозил Йўлдош ҳеч қаерда ўқимаган. Гарчи саводсиз эрса-да, жуда катта хотира ва истеъдод эгаси бўлган. У бир достоннинг ўнлаб вариантини ёддан билган. Ҳар бир достонни у еки бу минтақанинг руҳиятига

қараб, ўзгартириб айта олган. Шу боис бўлса керак, таникли фольклоршунос олим, профессор Ходи Зариф оқин ҳақида "Фазилатли шоир, ўтмиш оғзаки адабий меросидан 40 га яқин достонни ёддан билиши билан ажралиб туради. Уни ҳақли равишда ўзбек халқининг Гомери дейиш мумкин", деган.

Дарвоқе, йиллар давомида Фозил шоир Йўлдош ўғлига қотиблик қилган жуда катта аллома, адиблар ҳам бу оқиндаги мўъжизавий истеъдодни юқори баҳолаганлар.

"АЛПОМИШ" ДОСТОНИ КИМНИКИ?

Албатта, халқники. Унинг минг йиллигини Осиёдаги кўплаб миллатлар нишонлашди. Негаки, бу асар ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг бу ерга бостириб келган босқинчи ва ҳукмдорларга қарши жуда катта кураши ҳақида ҳикоя қиладики, бунда жуда кўп улус иштирок этган.

Бизда ҳам бу достон йиллар давомида турли оқинлар томонидан турлича вариантларда айтилган. Аслида "Алпомиш" уни яхши ижро этганники, асар руҳини шуурга жойлай олган халқники.

1928 йилда Маҳмуд Зарипов бу достонни Фозил Йўлдош ўғли оғзидан қўйиб олган. Асар қаҳрамонлари Алпомиш ва Барчиной бугунги кунда ҳам халқимиз учун жасорат, иродалик, садоқат каби фазилатлар тимсоли бўлиб қолмокда. Хусусан, шоир ана шу қаҳрамонлари фазилатини, қолаверса, улар яшаётган жойларнинг табиатини тасвирлашда жуда катта маҳорат кўрсатган. Зеро, бу асар тадқиқи билан ўтган асрнинг 40-йилларида бетақдор шоир Ҳамид Олимжон Фозил Йўлдош ўғли билан ижодий мулоқот чоғида астойдил шўғулланган. Ва шундай битикларни қолдириб кетган: "Бу асарни халқ оғзаки ижодкорлари Пўлкан бахши, Берди бахши ва бошқалар ҳам кўйлаган бўлса-да, улар орасида Фозил Йўлдош ўғли варианты тилининг соддалиги, воқеалар кетма-кетлиги, мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоир бу достонни бутун умри давомида кўйлаб келган".

ЖАСОРАТГА МАДҲИЯ

Бахши шоирнинг "Жиззах кўзғолони" достони ҳам ўз вақтида адабиётшунослар томонидан гўхта ўрганилиб, катта



эътирофга сазовор бўлган. Достон рус империяси даврида 1916 йилда Сибирга мардикорликка жалб қилиниши муносабати билан халқимиз фидойиларининг норозиликлари ҳақида ҳикоя қилади. Буни шоир миллий озодлик курашининг бошланиши сифатида тасвирлайди. Албатта, "Жиззах кўзғолони" тоталитар тузум даврида нашр этилган. Шунинг учун ҳам у ўша давр мафқурасига мослаб ўзгартирилган.

Шоирнинг "Очил Дов" достони Ходи Зариф томонидан ёзиб олинган. Унда ҳам Самарқанд ҳудудида рус империясига қарши халқ кураши тасвирланган. Бу қаҳрамонларни эса большевиклар кейинчалик босмачи деб аташди. Бинобарин, асарда Булунғур, Жомбой, Пайриқ, Оқдарё, шунингдек, Жиззах, Хўжамазгил, Қоракўрсқ, Чўёнгал, Оқтепа каби қишлоқларда яшаган, халқ қаҳрамони Очил Дов билан ёнма-ён курашган жасоратли инсонлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шунинг учун ҳам асар энциклопедик аҳамиятга ҳам эга.

"ЛЕНИН ОРДЕНИ" ОЛГАН ШОИР

1947 йилда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қайта қуриш даврида ҳам Фозил шоир ижодига эътибор сусайган эмас. Чунки давлат ҳам, жамият ҳам унинг асарлари одамлар руҳига ижобий таъсир қилишини тушуниб етган. Шу сабабли ҳам Лойқа қишлоғидаги мактабда шоирнинг 75 йиллик юбилейи нишонланган. Уни

► Миллатимиз улўғлари

Тошкентдан келган жуда катта алломалар, адиблар табриклаган. Кўкрагига эса "Ленин ордени" тақиб қўйишган.

Шу тадбир қатнашчиларидан бири, кейинчалик шоирнинг уй-музейи ташкилотчиси Мелибой Раҳимов шундай хотира ёзган: "Ўшанда шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Маросимда шоирга бағишланган шеърини ўқиб берганим, атоқли адиб Асқад Мухтор ёнимга келиб, "Фозил Йўлдош ўғли оғзаки ижодимизнинг ноёб истеъдодидир. Уни асраш, бебаҳо меросини ўрганиш керак", деган эди. У қоракўлдан тикилган телпақ, сарғиш чиқикли беқасам тўн ва доимо махси-қовуш кийган. Шоир ўз фикрларини халқимизнинг доно мақоллари, ибратли афоризмлари билан тасдиқлашга интилган. Фозил шоирнинг яна бир хусусияти - у ёлғиз сайр қилишни яхши кўрган".

Фозил шоир нафақат қадимий достонлар ҳикоячиси бўлган, балки ўзи ҳам халққа маъқул асарларни оғзаки ижод қилган. "Маматқарим полвон", "Кунларим", "Жанчи ўғлимига", "Элат ботир", "Ота насихати", "Жаҳон тингламай", "Болаларимга", "Пушкинга", "Зулфизар", "Маликака айёр", "Зулфизар ва Аббосқон" каби асарлар фикримиз исботидир.

Шоирнинг бир ўғли, уч қизи бўлган. Ўғли Худойберди 5 ёшида касалликдан вафот этган. Мелихон, Мактуба ва Хайиттул исмли қизларининг неваралари айни пайтда Булунғур ва Баҳмал туманларининг турли ҳудудларида истиқомат қилишади.

ЭҲТИРОМ ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳа, Фозил шоир ўзбек адабиётида жуда катта из қолдирган адиб. Бугунги кунда мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда бу оқиннинг 150 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик қилинмокда. Шоир туғилган қишлоқда унинг янги уй-музейи қуриляпти, кўчалари ободонлаштирилмокда. Китоблари қайта чоп этиляпти. Бинобарин, шоирнинг уй-музейи 1989 йилда унинг шогирди Мелибой Раҳимов ташаббуси билан қурилган. Бу ерда 240 та ноёб экспонат мавжуд. Шоир ҳаётига оид 15 та нодир китоб бор. Мелибой ака музейнинг янги биноси қурилишида ҳам оиласи билан бирга фидойилик кўрсатмокда.

Насиб этса, Лойқа қишлоғида шоир юбилей баҳонасида Ўзбекистон, қолаверса, Осиё бахшиларининг тадбирлари бўлади. Фозил Йўлдош ўз мероси, нуқтилас асарлари билан янги ҳаёт кураётган халқимизнинг кўнглига бетақдор туйғуларни солишда давом этади.

Ёрмат РУСТАМОВ.

Фарҳод билан Гулсеварнинг Умид дунёга келганида бахт қуши бошига қўнди, улардан бошқа ҳеч бир инсон бу бахтни ҳис қилмаётгандек эди гўё. Ота-онани оппоқ фариштадек беғубор болакайдан таралаётган жаннатий ифор тамомила ўзига мафтун қилганди. Болакайга истиқболли келажак умидида Умиджон деб исм қўйишди. Фарҳод ўзи иқтисодчи бўлгани учунми, ўглининг банк ходими бўлишини орзу қиларди. Шу боис болакай жуда кичиклигинида компьютер ва телефонлар оғушида улўға бошлади. Ҳали мактабга бормаи туриб, компьютерни шу қадар тушуниб олган Умиджон клавиатурани худди пианино чалаётгандек ҳаракатлантирар, кўзларини компьютер ўйинларидан узмасди. Ҳали 6 ёшга тўлмаган болакайда шундай иқтидор бор эдики, буни ота-онани пайқамасди. Компьютер ўйинлари домига тушиб бораётган фарзандининг тонгача ухламай, ўйнаб чиққани Фарҳод билан Гулсеварни ҳатто суюнтирарди.

Учқунлаган умид



Умиджоннинг мактабдаги таълими ҳам шу тарзда ўтар экан, унинг ҳануз компьютер ўйинлари, бўлмағур хорижий кўшиқларни хиргойи қилиши ота-онанинг гашини келтирадиган бўлди. Ўғли эса дардан қайтган, яна телбаларча компьютерга ёпишарди. Фарзандидаги бу касаллик ота-онанинг тез-тез тортишиб қолишига сабаб бўлар, Умид бу жанжалларга парво ҳам қилмасди. Ота-онанинг жанжаллари унинг онгига борган сари салбий таъсир қилиб, ўйинлардаги қаҳрамонларни аёвсиз "отиб" ташлайверарди. Кўча-кўйга чиққанида ҳам қўлида энг сўнги русумдаги телефон, қўлоқчинни илдирганча, гоҳ писта чақиб, гоҳида турли хил сув идишлари-ю қоғозларни йўлнинг ҳар бурчагига ташлаб кетаверарди. Уни ташқи олам умуман қизиктирмас, ўзининг виртуал оламида ёлғиз ва ёвуз бўлиб шаклланаётган эди.

Бугунги дарс Умидни анча толиқтирди. Дарслар тугагач, чап муолишдаги дўконга кирди, одаддагидай битта энергетик ичимлик ва бир ҳовуч пистани олиб, уйи томон юрди. "Ўғлим, уйингни ҳам шундай тўзитасанми?", деб куюнган мактаб фарошининг сўзларига парво ҳам қилмади. Уйга келгач, нариддан бери иштаҳасиз чой ичган Умид кроватига чўзилди-ю, бир зумда ухлаб қолди. Чунки кеча ҳам тонг отгунча жангари ўйинларини ўйнаб чиққанди...

Йўл четида қўлоқчин таққанча, хорижий кўшиқни хиргойи қилиб кетар экан, ҳавонинг бадбўй ҳиди унинг гашини келтирди. Бирдан атрофни чанг-тўзон, писта пўчоқлари, ичимликлардан бўшаган идишлар, ширинлик қоғозлари қоплади. Кўрқа-писа теваракка назар солди - гариб ва хароб аҳволдаги йигит-қизларнинг чиқинди титиб юрганига кўзи тушди. Дов-дархатларнинг бу янглиф ифлосланган дунёда қовжираб бораётгани, уларнинг "Биз сен туфайли ҳалок бўляпмиз", дея чиқираётганини қўлоқларини ўзиб олгудек эшитилди. Оғриқли овознинг чинқиряғи тобора ошиб, Умиднинг кўзлари тиниб, бадбўйлик дунёсига шўнғиб бораётгани эди.

Совуқ терга ботган Умид ўрнидан даст турди-ю бирдан кўзуга назар ташлади, совуқ туши таъсирида ўзгарган аксидан кўрқиб кетди. Дўшаги кириб, обдон ювинди, сочларини текислаб тарагандай бўлди.

Гулчирой АБДУЛЛАЕВА, Пахта тумани.

Башорат бувининг кўзлари хиралашиб қолганига анча бўлди. Аммо у нолимайди, умрини узоқ, насибасини бутун қилган Яратганга шукрона айтиб, беш вақт نامозни ёддан чиқармайди. Бироқ раҳматли чолдан қолган бу ошиённинг чироғини ёқиб ўтирган ёлғиз фарзанди Асқаджоннинг ўғли йўқлиги кўнглини хуфтон қилади.

Кўнгли чироғи

Худога шукр, бир-бирдан лобар, одобли, ширин-шакар қиз неваралар берди. Қиз бола бировнинг ҳасми. Тўрттаси аллақачон келин бўлиб, ўзга хонадонларнинг севикилик бекасига айланди, кенжасининг ҳам ҳадемай бўйи етади. Бироқ ўғилнинг ўрни бошқа-да. Худонинг қарам кенг. Бувининг ўғил неваралар сўраб қилган илтижолари тўхтамайди. Насиб этса, келини яна фарзанд кўрадиған, шояд бу гал орузи ушласа: "Эй, худо, марҳаматингни дариг тутмай, Асқаджонимга ўғил бер, дийдорига тўйиб, тўйларини кўриб ўлсам, армоним йўқ". Башорат буви юзига фотиҳа тортиб, жойнамозини йиғиштирди. Тонг саҳар Асқаджон тўлғоқ тутган хотинини туғруқхонага олиб кетганди. "Илоё, эсон-омон кутулиб олсин-да".

дасиз, ўғилли бўлдим, энажон, суюнчи беринг! - ташқаридан Асқаджоннинг ҳаяжонли овози эшитилди. Башорат буви шоша-пиша пешвоз чиқиб, ўғлини бағрига босди: - Вой, суюнчи сендан айлансин, болам. Яратганга шукур! - севиниб кетган буви пенсиясидан рўмоли учига тугиб қўйган пулни олиб, Асқаджонга узатди. - Эна, бу нимаси, одамни хижолат қилманг! - Асқаджон онасининг қўлини қайтарди. - Уялма, ол, болам, ота-боболардан қолган удум. Насиб бўлса, неваранинг ақиқасини ўзим ўтказиб бераман. Башорат бувининг қувончи еру кўкка сифмасди шу тобда. Кўнглида ёнган чироқ шўъласидан хира кўзлари равшанлашиб кетди.

Тоғаймурод ШОМУРДОВ.

Ўқиган фикрлайди, ўқимаган қорнини ўйлайди

Ҳаёт қизик. Яшайверсанг, кўраверар экансан. Бирини кўриб, ачинасан, иккинчисини кўриб, нафратинг ошади, ажабланасан.

Дўқондан китоб олмокча бўлдим. Ёққан китоблардан бирини олиб, варақлаб турсам, бир киши сотувчидан "Бобурнома"ни сўради. Сотувчи китобни олиб берди. - Неча пул туради? - сўради харидор. Харидорнинг пули етмади шекилли: - Укажон, мана, бу пулни олинг, етмаганини қарзга ёзиб қўйинг. Эртага ишга кетишимда бериб кетаман. - Ҳўп, майли, ака, - сотувчи рози бўлди.

Харидимни қилиб, кўчага чиқа туриб, боғия киши билан суҳбатлашгим келди. Шу пайт йўлдан ўтаётган башанг кийинган бир киши ҳамсуҳбатим билан салом-алик қилди. У эса олган китобини мактай кетди. Танишига эса бу гаплар ёқмади шекилли, "Китоб олгунча, ўзингга қарасанг бўлмайди?" деди. Суҳбатдошимни ёқлаган бўлиб, буюк оғз эзувчиси М.Горький онасининг нон учун берган пулига китоб сотиб олиб, оиласининг бир кунини очликда ўтказишига сабабчи бўлган воқеасини айтиб бердим. "Китобга қизиққан одам ўзига қарамаса-қарамайдики, китоб олади", дея қўшиб ҳам қўйдим. Ҳалиги киши қўлини силтаб, жўнаб кетди.

Биз гарчи ноқулай аҳволда қолсак-да, ундан хафа бўлмадик. Чунки хаёлимизда китоб эди. - Ажаб дунё экан-да-а, камбағални мутолаага "шерик" қилиб, мол-мулк бермаган. Бойваччага мол-дунё бериб, ўқиш ва ўқишдан мосуво қилиб қўйибди. Шунга айтса керак-да, ўқиган фикрлайди, ўқимаган қорнини ўйлайди.

Чори ҚўНГИРОВ, меҳнат фахрийси, маориф аълочиси.



Гофилнинг умри ҳам маънисиз, зоя, Гафлатда ётади омад, завқи ҳам. Унутма, ҳаётда ўрнин топади Ҳар кимса иштиёқ, мақсад, шавқидан.

Гар ҳимматинг кўролсанг раво - Эл дардига бўлғайдир даво. Одамларни сева олсанг гар, Юрагига бўладирсан жо.

Бекназар ОРЗИҚУЛОВ, Иштихон тумани.

Инсон қадри қиммати

Инсон қадру қиммати меҳнатда намоёндыр, Меҳнат йўлида чеккан заҳматда намоёндыр.

Саҳролар бўстонларга айланса меҳнатингдан, Шаънингга элинг айтган раҳматда намоёндыр.

Гар астойдил йиғласа, ёш келар сўқир кўздан, Самимий эзгу ният мақсадда намоёндыр.

Аммо гуруч ичида қурмаги ҳам бўларкан, Зиёнкор ношукурлар бидъатда намоёндыр.

Мард одамлар лутфидан завқу шавқ олар диллар, Ориф одамлар қадри суҳбатда намоёндыр.

Андишанинг отини кўрқоқ қўйиб олганлар Макрини фош айламак журъатда намоёндыр.

Агар турмушининг ҳалол лаззатидан баҳраманд, Ҳақ, адолат йўлида, шиддатда намоёндыр.

Нопок, харом-харошдан ҳазар этмас ханнолар, Қилаётган "оҳу воҳ" ишратда намоёндыр.

Жаҳонга жар солмасдан виждон амрини айлаб, Яшаётганлар умри ибратда намоёндыр.

Нурий, орзу ниятинг овоза қилма зинҳор, Кутлуғ ишлар қалб ичра-хилқатда намоёндыр.

Камалакдек товланур заррин атлас-банорас, Вале, асл гўзалик сийратда намоёндыр.

Нуриддин БОБОҚАНДОВ.

MATBUOT UYI Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 413 nusxada chop etildi. Buyurtma 617. Hajmi 2 bosma taqob, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV. Navbatchi: X.ERNAZAROVA. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. ISSN-201667X 9 1772010667009 Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling. Soatida narxi kelishilgan holda